

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
Ўзбекистон Республикаси

билан

ПЕНСИЛЬВАНИЯ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
Пенсильвания давлат юридик
университети парки, Пенсильвания, Америка Қўшма Штатлари

ўртасида

АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ

Тошкент давлат юридик университети ("ТДЮУ") ва Пенсильвания давлат университети ("ПДУ") ўзаро мустақкам дўстлик ва мавжуд ҳамкорлик муносабатларини ЭЪТИРОФ ЭТИБ;

ТДЮУ ва ПДУ (кейинги ўринларда алоҳида "Томон", биргаликда эса "Томонлар" деб номланадилар) тегишли таълим ва илмий дастурларни бойитишдан ҳамда ҳар икки томон ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустақкамлаш ва кенгайтиришдан манфаатдор эканликларини ИНОБАТГА ОЛИБ;

ШУ САБАБЛИ томонлар таълим ва тадқиқотлар соҳасида ҳамкорлик ва алмашувни ривожлантириш мақсадида қуйидагиларни келишиб оладилар:

1- модда

Ҳамкорлик соҳалари

Томонлар ҳамкорликнинг қуйидаги турларини ривожлантиришга биргаликда ҳаракат қиладилар:

- малака ошириш дастурлари;
- бакалавр ва магистратура талабалари алмашинуви;
- биргаликдаги илмий лойиҳалар ва ўқув дастурлари;
- илмий материаллар, наشرлар ва маълумотлар алмашиш;
- қўшма семинар ва бошқа илмий тадбирларни ишлаб чиқиш ва ўтказиш.

2-модда

Англашув меморандуми асосидаги фаолиятлар

Англашув меморандуми бўйича амалга ошириладиган ишлар, авваламбор, ҳар бир Томон таркибидаги академик бўлинмалар томонидан ва халқаро фаолият билан боғлиқ тегишли бўлинмалар билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Амалга оширилаётган барча тадбирлар ҳар бир Томоннинг таълим сиёсати ва тартибларига мувофиқ бўлиши керак. Баъзан маърузалардан ташқари дарслар ҳар бир Томоннинг тегишли бўлинмалари томонидан тасдиқланиши керак.

3-модда

Фаолиятни режалаштириш, бошқариш ва молиялаштириш

Ҳамкорликнинг ҳар бир аниқ фаолияти учун алоҳида ёзма келишув тузиш талаб этилади. Зарур бўлганда, ташқаридан молиялаштиришни таъминлаш учун шу фаолият билан шуғулланадиган бўлинмалар биргаликда ишлаши тавсия этилади. Ҳар бир фаолият бўйича молиявий келишувлар ва мажбуриятлар ҳар қандай фаолият бошланишидан олдин алоҳида битимларда кўзда тутилган бўлиши керак.

4-модда

Камситишларга йўл қўймаслик

Иккала томон ҳам амалдаги қонунлар, низомлар, кодекслар ёки кўрсатмалардан келиб чиқиб, барча одамлар ПДУ ва ТДЮУ нинг белгилаб қўйилган тегишли тартиб-қоидаларига асосан салоҳияти, иш кўрсаткичлари ёки малакасига алоқадор бўлмаган шахсий хусусиятлардан қатъий назар дастурлар, иншоотлар, ўқишга қабул қилиш ва ишга жойлашиш борасида тенг ҳуқуқларга эга бўлиш сиёсатига амал қиладилар. Ҳеч қайси томон ҳеч кимни ёши, ирқи, ранги, келиб чиқиши, миллати, дини, эътиқоди, ҳарбий хизмати, фахрийлик ҳолати, жинси, жинсий йўналиши, оилавий аҳволи, ҳомиладорлиги, ҳомиладорлик билан боғлиқ бошқа ҳолатлари, жисмоний ёки ақлий ногиронлиги, жинсий ҳолати, қабул қилинган жинсий ҳолати, жинсий тегишлилиги, генетик маълумотлари ёки сиёсий қарашлари сабаб камситмайди. Иккала томон ҳам ушбу Англашув меморандумини амалга оширишда ушбу тамойилларга амал қилишади ва ҳеч бир томон олимларга, ўқитувчиларга, талабаларга ва ходимларга ушбу камситмаслик тамойилларини бузадиган мезонлар қўймайди. Ушбу ҳужжатда келтирилган ҳеч қайси гап Томонларга ушбу рухсатни бериш мақсадида мавжуд қонунлар, низом, кодекс ёки кўрсатмаларни бузиш мажбуриятини юкламайди.

5-модда

Интеллектуал мулк ҳуқуқлари

Ушбу Англашув меморандуми интеллектуал мулкни яратиш билан боғлиқ муносабатларни қамраб олмайди, балки мазкур соҳада тадқиқот ва илмий ҳамкорликни амалга оширишни қамраб олади. Яратилган интеллектуал мулк алоҳида келишув асосида тартибга солинади.

6-модда

Экспорт назорати

Томонлар ушбу Англашув меморандуми бўйича экспорт мажбуриятларида Америка Қўшма Штатларининг экспорт қонунларига бўйсунлиши мумкинлигини тан оладилар. Шу каби қонунларнинг қўлланилиши даражасида, ушбу Англашув меморандумига мувофиқ исталган фаолиятни бажариш кечиктирилиши, чекланиши ёки тақиқланиши мумкин. Томонларнинг ҳеч қайси бири Қўшма Штатлар экспорт қонунлари билан чекланган деб ҳисоблаган ҳар қандай функция, фаолият, ҳаракат, таклиф ёки дастурни амалга ошириш учун махсус рухсатнома олиш мажбуриятини бўйнига олмайди ва махсус рухсатнома олмаслик қарорини қабул қилиш натижасида шу каби функциялар, фаолият, ҳаракат, таклиф ёки дастурни бажаришдан бош тортиш ушбу Англашув меморандумини бузиш ҳисобланмайди.

7-модда

Ном, логотип ва белгидан фойдаланиш

Ҳар бир Томоннинг тартиб-қоидаларига асосан ҳеч бир Томон бошқа Томоннинг ёзма розилигисиз ҳар қандай промо ёки реклама материалида (шу билан чекланмаган ҳолда веб-сайтлардаги эълонлар, оммавий эълонлар ва дастур брошюраларида) иккинчи томоннинг номи, логотипи ёки белгисидан фойдаланиши мумкин эмас.

8-модда

Ҳамкорликни баҳолаш

Ушбу Англашув меморандумига мувофиқ амалга оширилган барча махсус дастурлар ёки лойиҳалар ҳар бир тарафнинг тегишли манфаатдор томонлари томонидан ўзаро даврий баҳоланиши мумкин.

9-модда

Меморандумнинг амал қилиш муҳлати, ўзгартириш, янгилаш, тугатиш

Ушбу Англашув меморандуми сўнгги имзоланган кунидан бошлаб кучга киради ва беш (5) йил амал қилади. У Томонлар ўртасидаги тўлиқ келишувни ўз ичига олади ва фақатгина Томонларнинг ваколатли шахсларининг имзоси бўлганда ёзма шаклда ўзгартирилиши ёки янгиланиши мумкин. Ҳар бир Томон ушбу Англашув меморандумини иккинчи Томонга камида ўттиз (30) кун илгари ёзма билдиришнома юбориб огоҳлантириш орқали тугатиш ҳуқуқига эга.

10-модда


Асл нусхалар

Ушбу Англашув меморандуми инглиз тилида ҳозирланган ва ўзбек тилига таржима қилинган. Матндаги ҳар қандай номувофиқлик ҳолатида инглиз тилидаги матн устиворликка эга бўлади. Ҳар бир томон Англашув меморандумининг инглиз тилидаги иккита (2) ва ўзбек тилидаги иккита (2) асл нусхасини имзолайди. Ҳар бир Томон ҳисобот учун ушбу ҳужжатнинг ҳар бир тилдаги битта (1) асл нусхасини ўзида сақлайди.

ЮҚОРИДА АЙТИЛГАНЛАРНИ ТАСДИҒИ СИФАТИДА, ушбу Англашув меморандумини Томонлар қуйида ёзилган сўнгги санада расмийлаштирдилар:

**ПЕНСИЛЬВАНИЯ ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК
УНИВЕРСИТЕТИ**



17-Jul-2020

Хари М. Ософский
Пенсильвания давлат юридик
университети декани

Сана


Рахим Расулжонович Хакимов Сана
Тошкент давлат юридик
университети ректори



Stephen Barnes

Stephen Barnes (Jul 10, 2020 10:38 EDT)

10-Jul-2020

Стефан Барнес
Декан ёрдамчиси

Сана

Roger Brindley

Roger Brindley (Aug 10, 2020 14:41 EDT)

10-Aug-2020

Рожер Бриндли
Глобал дастурлар бўйича
проректор

Сана



Susan Wiedemer (Aug 12, 2020 07:58 EDT)

12-Aug-2020

Сюзан Ж. Видемер
Ғазначи ёрдамчиси

Сана